

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1462-ҳадис**

1462 - وَعَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَلَا أَدُلُّكَ عَلَى كَنْزٍ مِنْ كُنُوزِ الْجَنَّةِ؟» فَقُلْتُ: بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: «لَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللَّهِ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 4205، م 2704].

1462. Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: (Эй Абу Мусо) сен учун жаннат ҳазинасидан бўлган калимани айтайми?» дедилар. Мен: «Ҳа, айтинг, эй Расулуллоҳ», дедим. У зот: «Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах», дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Бу ҳадиснинг ажойиб бир ҳикояси мавжуд. Маълум бўлганидек Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир ҳадисни айтишларига сабаб бўлган воқеага сабаби вуруд деб айтилади. Хайбар ғазотидан кайтиб келаётганда асҳоб киром бир тепаликка чиққанда ёки бир водийга кирганларида хурсандчилик ва шижоат билан «Аллоҳу акбар» деб такбир, «Лаа илаҳа иллаллоҳ», деб таҳлил айтишар эди. Мадинини кўрганларида эса «Аллоҳу акбар Аллоҳу акбар, Лаа илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар» деганлари ривоят қилинади. Хатони ўрнида тўғрилаган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам; «Эй инсонлар!» дегандан кейин, «.... Сиз на карга ва на ёнингизда бўлмаганга йўналяпсиз. Сизни жуда яхши эшитадиган ва яқинингизда бўлган Зотга дуо қилмоқдасиз. У сиз билан баробар» деди. Ҳадисни ривоят қилган Абу Мусо ал-Ашъарий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минган ҳайвоннинг орқасида эди. У ичидан ёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эшитадиган шаклда «Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаах» деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бу ёқиб ҳадисда келганидак у билан суҳбат қилдилар.

«Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаах» зикри ёмонликлардан сақланиш, яхшиликларни қилишга куч топиш ёлғиз Аллоҳнинг ёрдами билан амалга ошиши мумкин» деб ҳам таржима қилиш мумкин. Қисқача «ҳавқола» деб

ҳам айtilган бу сўз, Аллоҳ хоҳламаса инсон кичкина ҳаракатни ҳам қила олмаслиги, ҳатто бир нарсани ўйлана олмаслиги баён қилинган.

Пайғамбаримиз бу зикрни «Жаннат ҳазиналаридан бири» эканлигини айтганининг сабаби, савобининг кўп эканлиги ва бу зикрни айтган кимсанинг савобини жаннатда тўпланишини билдириш билан бирга, инсонларнинг кўзида дурлар, ҳазиналар қанчалик аҳамиятли бўлса, бу зикрнинг ҳам аҳамияти шунчалик катта деган бўлиши мумкин.

Манба: hadis.islom.uz

